

«02» 03 2020 № 6

## ТИБИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДЕКСАМЕТАЗОН

**Препаратнинг савдо номи:** Дексаметазон

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** дексаметазон

**Дори шакли:** инъекция учун эритма

**Таркиби:**

1 мл инъекция учун эритма қўйидагиларни сақлади:

**фаол модда:** дексаметазон натрий фосфати 4,37 мг (4 мг дексаметазон фосфатига мос келади).

**ёрдамчи моддалар:** глицерол 22,50 мг, динатрий эдетати 0,10 мг, натрий гидрофосфат дигидрати 0,80 мг, инъекция учун сув q.s. 1,00 мл гача.

**Таърифи:** тиник, рангиз ёки бироз сарғиши рангли эритма.

**Фармакотерапевтик гурухи:** глюокортикоид

**АТХ коди:** H02AB02

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Дексаметазон – буйрак усти безлари пўстлоқ қисмини глюокортикоид таъсир (ГКС) кўрсатувчи синтетик гормонидир. Яллигланишга қарши ва иммуносупрессив самараларга эга, шунингдек энергетик метаболизмга, глюкоза гомеостазига ва гипоталамусни фаоллаштирувчи омилни ва гипофизнинг адренокортикотроп гормони синтезига (манфий қайта боғланиши орқали) таъсир қиласи.

ГКС ёғда эрувчан моддалар ҳисобланади ва шунинг учун хужайра мембраналари орқали нишон хужайраларга осон ўтади. Гормонни рецептор билан боғланиши, рецепторнинг конформацион ўзгаришини келтириб чиқаради ва ДНК билан ўхшашлигини оширади. Гормон-рецептор мажмуаси хужайранинг ядроисига ўтади ва глюокортикоиднинг жавоб элементи (GRE) деб номланувчи ДНК молекуласининг бошқарувчи қисми билан боғланади Фаоллашган рецептор GRE ёки специфик генлар билан боғланади ҳамда матрицали РНК (мРНК) транскрипциясини бошқаради.

Янгидан ҳосил бўлган мРНК рибосомаларга ташилади, сўнгра улар янги оқсилларнинг ҳосил бўлишида иштирок этишади. Нишон хужайра тури ва хужайравий жараёнларга боғлиқ ҳолда, янги оқсилларнинг ҳосил бўлиши ҳам кучайиши (масалан, жигар хужайраларида тирозин-трансаминаза синтези), ҳам сусайиши (масалан, лимфоцитларда IL-2 синтези) мумкин. ГКСга сезувчан рецепторлар барча тўқималарда аниқланганлиги туфайли, улар таъсирининг бошланиши организмнинг кўпгина хужайраларида амалга ошади.

**Энергия ва глюкоза гомеостазини метаболизмга таъсири:** дексаметазон инсулин, глюкогон ва катехоламинлар билан бир қаторда энергиянинг тўпланиши ва сарфланишини назорат қиласи. Жигарда у глюкозанинг пируват ва аминокислоталардан ҳосил бўлиши ҳамда гликоген ҳосил бўлишини рағбатлантиради. Периферик тўқималарда, хусусан, мушакларда, глюкоза истеъмолини камайтиради ва жигардаги глюконеогенез субстрати ҳисобланувчи аминокислоталарни (оқсиллардан) мобилизация қиласи. Ёғлар метаболизмiga бевосита самараси ёғ тўқиманинг марказий қайта тақсимланиши ва липолизнинг катехоламинлар таъсирига жавобан кучайиши орқали намоён бўлади.

Буйракларнинг проксимал каналчаларидаги рецепторлар ёрдамида дексаметазон буйрак қон оқими ва калава фильтрациясини рағбатлантиради, вазопрессиннинг ҳосил бўлиши ва

ажралишини сусайтиради ҳамда буйракларнинг кислоталарни чиқариш қобилиятини яхшилади.

Қон томирларнинг прессор агентларга нисбатан сезувчанлигини оширади.

Юқори дозаларда дексаметазон I ва III тур фибробласт коллаген ва гликозаминогликанларнинг ҳосил бўлишини сусайтиради; ҳужайра ташқарисидаги коллаген ва матрикс ҳосил бўлишини сусайтириши ҳисобига улар жароҳатларнинг битишини кечикитиради. Юқори дозаларни узоқ муддат қабул қилиш билвосита самара сифатида суяк тўқималарининг авж оловчи резорбциясини чақиради ва унинг ҳосил бўлишини бевосита камайтиради (паратгормон ажралишини рағбатлантиради ва кальцитонин ажралишини сусайтиради). Ундан ташқари, у кальцийнинг манфий мувозанатига олиб келади – ичакда кальций сўрилишини камайтиради ва унинг буйраклар орқали чиқарилишини кучайтиради. Одатда бу иккиламчи гиперпаратиреоз ва фосфатурияга олиб келади.

*Гипоталамус ва гипофизга таъсири:* дексаметазон эндоген кортизолга нисбатан 30 баробар кўпроқ яққол таъсир қўрсатади. Шунинг учун у кортикотропин-рилизинг-омил (КРО) ва адренокортикотроп гормон (АКТГ) ажралишининг янада кучлироқ ингибитори ҳисобланади. Фармакологик дозаларда гипоталамо-гипофизар-буйрак усти тизимини сусайтиради, иккиламчи буйрак усти етишмовчилигининг ривожланишига туртки беради. Буйрак усти безлари етишмовчилиги дексаметазонни 20-30 мг преднизонга эквивалент суткалик дозада юборилгандан кейин 5-7 куни ёки кичик дозаларда 30 кунлик даволашдан кейин ривожланиши мумкин. Юқори дозаларда даволашнинг қисқа муддатли курси (5 кунгача) бекор қилингандан сўнг буйрак усти бези пўстлоғининг функцияси бир ҳафтадан сўнг тикланиши мумкин; узоқ муддатли даволаш курсидан сўнг нормал ҳолатнинг тикланиши кечроқ содир бўлади, одатда бу жараён 1 йилгача вақтни олади. Баъзи пациентларда буйрак усти безлари пўстлоғининг қайтмас атрофияси ривожланиши мумкин.

Глюкокортикоидларнинг яллигланишига қарши ва иммуносуппресив таъсири уларнинг молекуляр ва биокимёвий самаралари билан боғлиқ. Молекуляр яллигланишга қарши самара глюкокортикоидларни глюкокортикоидли рецепторлар билан ўзаро таъсиралиши ва кўплаб информацион молекулалар, оксиллар ва яллигланиш жараёнида иштирок этувчи ферментларнинг пайдо бўлишини назорат қилувчи бир қатор генлар экспрессиясининг ўзгариши натижаси ҳисобланади. Бу тўқиманинг яллигланишга нисбатан жавобининг пасайишига ёки олдини олишга, яъни макрофаглар ва лейкоцитлар тўпланишининг, фагоцитознинг сусайиши ва лизосомал ферментларнинг ажралиши, яллигланиш медиаторларининг синтези, макрофагни ингибиция қилувчи омилнинг блокланишига олиб келади. Дексаметазон капиллярларнинг кенгайиши ва ўтказувчанлигини камайтиради, лейкоцитларнинг эндотелияга адгезиясини пасайтиради, Pg, лейкотриенлар, тромбоксанлар синтезини сусайтиради.

Дексаметазон лейкотриенларнинг пайдо бўлишини уларнинг ҳужайравий фосфолипидларидан арахидон кислотасининг ажралиб чиқишини камайтириш орқали пасайтиради, бу фосфолипаза A<sub>2</sub> фаоллигининг сусайтирилиши натижаси ҳисобланади. Фосфолипазага таъсири фосфолипаза A<sub>2</sub> ингибитори ҳисобланган липокортин (макрокортин) концентрациясининг ошиши билан билвосита боғлиқ. Дексаметазоннинг простагландинлар ва тромбоксан синтезини сусайтирувчи таъсири циклооксигеназанинг ҳосил бўлишини кодловчи ўзига хос мДНК синтезининг пасайиши натижаси ҳисобланади. Дексаметазон ҳужайравий иммун реакцияларнинг олдини олади ёки сусайтиради (секинлашган турдаги ўта юқори сезувчанлик реакциялари), Т-лимфоцитлар (I тур Т-хелперлар), моноцитлар ва эозинофиллар сонини камайтиради, иммуноглобулнларни уларнинг рецепторлари билан боғланишини пасайтиради, интерлейкинлар синтезини сусайтиради: Т-лимфоцитар бластогенезни камайтиради ва бирламчи иммун жавобни пасайтиради. II тур Т-хелперларни рағбатлантириш ҳисобига гуморал иммунитетни фаоллаштиради – антителолар ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Аҳамиятга эга самара

бўлиб ўсма некрози омили (ЎНО) ва ИЛ-1 ҳосил бўлишини пасайтириши ҳисобланади.

### **Фармакокинетикаси**

Дексаметазоннинг қон плазмасидаги максимал концентрациясига вена ичига юборилгандан 5 минутдан сўнг ва мушак орасига юборилгандан 1 соатдан сўнг эришилади. Бўғимлар ёки юмшоқ тўқималар (зарарланиш ўчоқлари)га маҳаллий юборилганда, сўрилиш мушаклар ичига қўлланилгандагига нисбатан секинроқ кечади. Вена ичига юборилганда, таъсири тез ривожланади, мушак ичига қўлланилганда эса клиник самара 8 соатдан сўнг ривожланади. Таъсири давомий: мушак ичига қўлланилгандан сўнг 17 дан 28 кунгача ва маҳаллий қўлланилгандан сўнг 3 кундан 3 ҳафтагача. Қон плазмаси ва синовиал суюқликда дексаметазон фосфатнинг дексаметазонга ўтиши тез содир бўлади.

Қон плазмасида дексаметазоннинг таҳминан 77% оқсиллар, кўпроқ альбуминлар билан боғланади. Дексаметазоннинг факат кичик миқдори альбумин бўлмаган оқсиллар билан боғланади. Хужайранинг ташки ва ички бўшликларига киради. Марказий нерв тизимида (гипоталамус, гипофиз) унинг самаралари мембрани рецепторлар билан боғланиши билан асосланади. Периферик тўқималарда цитоплазматик рецепторлар билан боғланади. Парчаланиши унинг таъсир қилиш жойида, яъни хужайрада содир бўлади. Кўпроқ жигарда (асосан глюкурон ва сульфат кислоталари билан конъюгация қилиниши йўли билан), шунингдек буйраклар ва бошқа тўқималарда нофаол метаболитларгача метаболизмга учрайди. Асосан буйраклар орқали чиқарилади. Ярим чиқарилиш даври ( $T_{1/2}$ ) – 190 минут.

### **Қўлланилиши**

Дексаметазон препарати вена ичига ёки мушак ичига ўткир ҳолатларда ёки перорал даволашни ўтказишнинг имкони бўлмаганда қўлланилади:

- эндокрин касалликлар: буйрак усти безларининг ўткир етишмовчилиги, буйрак усти безларининг бирламчи ёки иккиламчи етишмовчилиги, буйрак усти безларининг тугма гиперплазияси, нимўткир тиреоидит;
- шок (куйиш, жароҳат, операция туфайли, токсик) – қон томирларни торайтирувчи воситалар, плазма ўрнини босувчи препаратлар ва бошқа симптоматик даволаш самара бермаганда;
- бош мия шиши (бош мия ўсмаси, бош мия жароҳати, нейрожарроҳлик аралашуви, мияга қон қуилиши, энцефалит, менингит, нурланиш);
- астматик статус, оғир бронхоспазм (бронхиал астма, сурункали обструктив бронхитнинг зўрайиши);
- оғир аллергик реакциялар, анафилактик шок;
- ревматик касалликлар;
- бириктирув тўқиманинг тизимли касалликлари;
- ўткир оғир дерматозлар;
- хавфли касалликлар: перорал даволашнинг имкони бўлмаганда, катта пациентларда лейкоз ва лимфомани паллиатив даволаш, болаларда ўткир лейкемия, хавфли ўсмалар билан оғриган пациентларда гиперкальциемия;
- қон касалликлари: ўткир гемолитик анемии, агранулоцитоз, катталарда идиопатик тромбоцитопеник пурпурা;
- оғир инфекцион касалликлар (антибиотиклар билан биргаликда);
- офтальмология (субконъюнктивал, ретробульбар ёки парабульбар юбориш): аллергик конъюнктивит, кератит, эпителийнинг шикастланишишиз кечувчи кератоконъюнктивит, ирит, иридоциклит, блефарит, блефароконъюнктивит, склерит, эписклерит, кўз жароҳатлари ва операцион аралашувлардан кейинги яллигланиш жараёнлари, симпатик офтальмия, кўз шоҳ пардаси қўчириб ўтказилгандан кейинги иммуносупрессив даволаш;
- маҳаллий қўллаш (патологик ўсимталар соҳасига): келоидлар, дискоид қизил

югурик, халқасимон гранулемада қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Дозалар ҳар бир пациент учун индивидуал тартибда, касалликнинг характеристи, даволашнинг кутилаётган давомийлиги, глюкокортикоидларни ўзлаштира олиш ва пациентнинг ўтказилаётган даволашга реакциясига боғлиқ ҳолда аникланади.

Инъекция учун эритмани вена ичига (глюкоза эритмаси ёки физиологик эритма билан инъекция ёки инфузия кўринишида), мушак ичига ва маҳаллий (бўғим ичига, терининг заарланиш ўчоғига, юмшоқ тўқималарга) юбориш мумкин.

#### **Парентерал қўлланилиши**

Парентерал равишида дексаметазон ўтқир ҳолатларда, перорал даволашни ўтказиш имкони бўлмаганда ва «Қўлланилиши» бўлимida келтирилган ҳолатларда юборилади.

Тавсия қилинган ўрта бошлангич суткалик доза вена ичига ёки мушак ичига юборишида 0,5 мг дан 9 мг гача ҳамда, агар зарур бўлса, 24 мг гача (ичига қабул қилиш учун дозанинг 1/3-1/2 қисмига эквивалент) ўзгариб туради. Дексаметазоннинг бошлангич дозаси клиник самарага эришилгунга қадар қўлланиши керак; сўнгра доза энг кичик самарадор дозагача босқичма босқич пасайтириб борилади. Агар юқори дозалар бир неча кундан узокроқ қўлланилса, препарат дозаси кейинги бир неча кун ёки ундан узокроқ вақт давомида босқичма босқич пасайтириб борилиши керак. Узок муддатли даволаш 0,5 мг/суткадан ошмайдиган дозада олиб борилиши керак.

#### **Маҳаллий қўлланиши**

Дексаметазоннинг бўғим ичига юбориш учун тавсия қилинган бир маротабалик дозаси 0,4 мг дан 4 мг гачани ташкил қиласди. Доза заарлланган бўғим ўлчамига боғлиқ. Дексаметазоннинг одатий дозаси катта бўғимлар учун 2 мг дан 4 мг гачани ва кичик бўғимлар учун 0,8 мг дан 1 мг гачани ташкил қиласди. Бўғим ичига юбориш 3-4 ойдан сўнг такрорланиши мумкин. Дексаметазонни нисбатан тез-тез юбориш бўғим ички тоғайнинг шикастланишига ва суюклар некрозига олиб келиши мумкин.

Дексаметазоннинг бўғим халтаси ичига юбориш учун одатий дозаси 2 мг дан 3 мг гачани, пайлар қинига юбориш учун эса – 0,4 мг дан 1 мг гачани ҳамда пайлар учун – 1 мг дан 2 мг гачани ташкил қиласди.

Заарланишларнинг чекланган ўчоғига юборишида дексаметазоннинг бўғим ичига юбориладиган дозалари қўлланилади. Препарат бир вақтда, энг кўпии билан иккита ўчоққа юборилиши мумкин.

Юмшоқ тўқималар яллигланишида дексаметазоннинг тавсия қилинган дозаси (периартрикуляр юбориш) 2 мг дан 6 мг гачани ташкил қиласди.

#### **Болаларда қўлланилиши**

Мушак ичига юборишида ўринбосар муолажа учун доза 0,02 мг/кг тана вазни ёки 0,67 мг/м<sup>2</sup> тана сатҳи майдони ҳисобидаги дозани ташкил қилиб, у 2 кунлик оралиқ билан 3 та инъекцияга бўлинади ёки 0,008 мг дан 0,01 мг/кг тана вазни ёки 0,2 мг дан 0,3 мг/м<sup>2</sup> тана сатҳи майдони ҳисобида ҳар куни қўлланилади.

Бошқа кўрсатмалар учун тавсия қилинган доза 0,02 мг дан 0,1 мг/кг тана вазни ёки 0,8 мг дан 5 мг/м<sup>2</sup> тана сатҳи майдони ҳисобидани ташкил қилиб, ҳар 12-24 соатда қўлланилади.

#### **Кечикириб бўлмайдиган ҳолатлар**

Бошлангич доза 4-20 мг ни ташкил қиласди, у керакли самарага эришгунга қадар такрорланади, умумий суткалик доза камдан кам ҳолларда 80 мг дан ошади. Терапевтик самарага эришилгандан кейин дексаметазон 2-4 мг дан кейинчалик препаратни босқич босқич бекор қилиш билан юборилади. Узок муддатли самарани таъминлаш учун препарат ҳар 3-4 соатда ёки узок муддатли томчили инфузия кўринишида юборилади. Ўтқир ҳолатлар бостирилгандан сўнг, пациент дексаметазонни ичига қабул қилишга ўтказилади. Шок ҳолатида қатъий равишида вена ичига болюс тарзида 2-6 мг/кг дозада юборилади. Зарур бўлганда, такрорий дозалар ҳар 2-6 соатда вена ичига узок муддатли инфузия кўринишида 3 мг/кг/сут. дозада юборилади. Дексаметазон билан даволаш шокни

мажмуавий даволаш таркибида амалга оширилиши керак.

Фармакологик дозаларни фақат ҳаётга хавф солувчи ҳолатларда қўллаш мумкин ва, қоидага кўра, бу вақт 48-72 соатдан ошмайди. Бош мия шишида 10 мг бошланғич доза вена ичига, сўнгра ҳар 6 соатда 4 мг дан симптомлар бартараф этилгунга қадар юборилади (одатда 12-24 соат давомида) 2-4 кун ўтгандан кейин доза пасайтирилади ва препаратни қўллаш 5-7 кун давомида боскич боскич тўхтатилади.

Хавфли ўсмалари бўлган пациентларга даволаш талаб этилиши мумкин – мушак ичига 2 мг ёки вена ичига суткада 2-3 марта.

Бош миянинг ўткир шишида қисқа муддатли жадаллашган даволаш ўтказилади:

Катталар учун юкламали доза вена ичига 50 мг ни ташкил қиласы, сүнгра 1-3 куни ҳар 2 соатда 8 мг дан, 4-куни ҳар 2 соат 4 мг дан, 5-8 кунлари – ҳар 4 соатда 4 мг дан, кейинчалик суткалик доза 4 мг/суткадан уни бутунлай бекор қилишгача юборилади. Тана вазни 35 кг дан ошиқ бўлган болалар учун юкламали доза вена ичига 25 мг ни ташкил қиласы, сүнгра 1-3 куни ҳар 2 соатда 4 мг дан, 4-куни – ҳар 4 соатда 4 мг дан, 5-8 куни – ҳар 6 соатда 4 мг дан, сүнгра суткалик доза 2 мг/суткадан уни бутунлай бекор қилишгача юборилади. Тана вазни 35 кг дан кам бўлган болалар учун юкламали доза вена ичига 20 мг ни ташкил қиласы, сүнгра 1-3 куни ҳар 3 соатда 4 мг дан, 4-куни – ҳар 6 соатда 4 мг дан, 5-8 куни – ҳар 6 соатда 2 мг дан, сүнгра суткалик доза 1 мг/суткадан уни бутунлай бекор қилишгача юборилади.

Ўз ўзи билан чекланувчи ўткир аллергик реакцияларда ёки сурункали аллергик касалликларнинг зўрайишида дексаметазон мажмуавий тарзда парентерал ва перорал қўлланилади: 1-кун – вена ичига 4-8 мг, 2-3 кун – ичга 1 мг суткада 2 марта, 4-5 кун – ичга 0,5 мг суткада 2 марта, 6-7 кун – ичга 0,5 мг бир марта. 8-куни даволаш самарадорлиги баҳоланади.

## Глюкокортикоидларнинг эквивалент дозалари

дексаметазон 0,75 мг      преднизон 5 мг

кортизон 25 мг      метилпреднизолон 4 мг

гидрокортизон 20 мг триамцинолон 4 мг

преднизолон 5 мг      бетаметазон 0.75 мг

## Ножұя таъсирлари

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) томонидан тавсия қилингандай ножӯя самаралар ривожланиши тезлигининг таснифи: жуда тез - тез  $> 1/10$ , тез-тез  $> 1/100$  дан  $< 1/10$  гача, тез-тез эмас  $> 1/1000$  дан  $< 1/100$  гача, кам ҳолларда  $> 1/10000$  дан  $< 1/1000$  гача, жуда кам ҳолларда  $< 1/10000$  гача, жумладан алоҳида хабарлар, учраш тезлиги номаълум – мавжуд маълумотлар асосида баҳолашнинг иложи йўқ.

#### Инфекцион ва паразитар касалликлар:

учраш тезлиги номаълум: инфекцияларнинг яшириниши, стронгилоидознинг фаоллашиши, оппортунистик инфекция.

Қон ва лимфа тизими томонидан бузилишлар:

кам ҳолларда: моноцитлар ва/ёки лимфоцитлар сонининг камайиши, лейкоцитоз, эозинопения, тромбоцитопения ва нотромбоцитопеник пурпураси;

учраш тезлиги номаълум: полицетемия.

Иммун тизими томонидан бузилишлар:  
тез-тез эмас: аллергик реакциялар (жумладан юқори сезувчанлик реакциялари), иммун

жавобнинг пасайиши ва инфекцияларга сезувчанликнинг ошиши;

кам ҳолларда: тери тошмаси, бронхоспазм, анафилактоид реакциялар.

Юрак томонидан бузилишлар:

жуда кам ҳолларда: полифок

миокард қисқарувчанлигининг пасайиши, юрак етишмовчилиги, яқинда ўтказилган миокард инфарктидан кейин миокарднинг ёрилиши.

Кон томирлар томонидан бузилишлар:

тез-тез эмас: АБнинг ошиши;  
жуда кам ҳолларда: васкулит, тромбоэмболия.

Рухият томонидан бузилишлар:  
тез-тез: руҳий бузилишлар;  
тез-тез эмас: шахсият ва хулқнинг ўзгариши, уйқусизлик, таъсиранлик, депрессия;  
кам ҳолларда: психозлар;  
учраш тезлиги номаълум: суицидал ҳаёллар, галлюцинациялар, эйфория, хавфотир ҳисси, кайфиятнинг ўзгариши.

Нерв тизими томонидан бузилишлар:  
тез-тез эмас: даволаш бекор қилингандан сўнг кўриш нерви сўрғичларининг шиши ва бош суяги ички босимининг ошиши (бош мия ёлғон ўсмаси), бош айланиши, вертиго, нейропатия, гиперкинезия;  
жуда кам ҳолларда: тиришишлар;  
учраш тезлиги номаълум: латент эпилепсиянинг пайдо бўлиши.

Эндокрин тизими томонидан бузилишлар:  
тез-тез: буйрак усти безлари етишмовчилиги, гипофизар етишмовчилик (айниқса, стресс оқибатида), Иценко-Күшинг синдроми, ҳайз кўриш цикли мунтазамлигининг бузилиши, гирсутизм, болаларда ўсишнинг кечикиши.

Моддалар алмашинуви ва овқатланиш томонидан бузилишлар:  
тез-тез: тана вазнининг ортиши, семириш, глюкозага толерантликнинг пасайиши, «стериодли» диабет, гипергликемия, латент қандли диабетнинг клиник манифест ҳолатга ўтиши, қандли диабети бўлган пациентларда инсулин ёки перорал гипогликемик препаратларга эҳтиёжнинг ортиши, натрий ионлари ва сувнинг тутилиши, калий ионлари йўқотилишининг кучайиши;  
тез-тез эмас: гипертриглицеридемия;  
жуда кам ҳолларда: гипокалиемик алкалоз, манфий азот мувозанати;  
номаълум: иштаҳанинг ошиши, гиперхолестеринемия, эпидурал липоматоз.

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан бузилишлар:  
тез-тез эмас: кўнгил айниши, хиқичоқ, меъда ёки 12 бармоқ ичак яраси;  
жуда кам ҳолларда: эзофагит, яра перфорацияси ва меъда-ичак йўлларидан қон кетиши (гематемезис, мелена), панкреатит, ўт пуфаги ва ичак перфорацияси (айниқса, йўғон ичакнинг сурункали яллигланиш касалликлари бўлган пациентлар);  
учраш тезлиги номаълум: қориннинг куий қисмида ноқулайлик ҳисси.

Скелет-мушак ва боғловчи тўқималар томонидан бузилишлар:  
тез-тез: мушаклар атрофияси, остеопороз, мушаклар кучсизлиги, «стериодли» миопатия (мушак тўқимасининг катаболизми натижасидаги мушак кучсизлиги);  
тез-тез эмас: суякларнинг асептик некрози;  
жуда кам ҳолларда: умуртқаларнинг компрессион синиши, пайларнинг узилиши (айниқса, баъзи хинолонларни бир вақтда қўллаганда), бўғим тогайларининг шикастланиши ва суяк некрози (бўғим ичига инъекциялар сонининг кўплиги билан боғлик).

Тери ва тери ости тўқималари томонидан бузилишлар:  
тез-тез: яраларнинг секин битиши, стриялар, петехиялар ва экхимозалар, кўп терлаш, акне, аллергологик таҳлиллар ўтказилганда тери реакциясининг сусайиши, эритема, терининг юқалашиши;  
жуда кам ҳолларда: ангионевротик шиш, аллергик дерматит, эшакеми;  
учраш тезлиги номаълум: теленгиоэктазия.

Кўриш аъзоси томонидан бузилишлар:  
кам ҳолларда: «стериодли» катарақта, айниқса орқа субкапсуляр катарақта, глаукома, кўз ички босимининг ошиши;  
учраш тезлиги номаълум: кўришнинг ноаниқлиги;  
жуда кам ҳолларда: экзофтальм, кўзларнинг иккиласми инфекциялари, ретинопатия;  
учраш тезлиги номаълум: птоз, мидриаз, хемоз, кератитни даволашда шоҳ парда,

склеранинг ятроген перфорацияси.

Жинсий аъзолар ва сут безлари томонидан бузилишлар:

кам ҳолларда: импотенция;

учраш тезлиги номаълум: аменорея.

Умумий бузилишлар ва юбориш жойидаги бузилишлар:

жуда кам ҳолларда: шиш, терининг гипер- ва гипопигментацияси, тери ёки тери ости тўқималарнинг атрофияси, «стерил» абсцесслар ва терининг қ

изариши, инъекция жойида ачиштириш ҳисси, Шарко артропатиясини эслатувчи артропатия.

«Бекор қилиш» синдроми

Агар глюкокортикоидларни узоқ муддат кабул қилаётган пациентда препарат дозаси тез пасайтирилса, буйрак усти безлари етишмовчилигининг белгилари, артериал гипотензия ва ўлим ривожланиши мумкин. Шунингдек буйрак усти безлари етишмовчилиги билан боғлиқ бўлмаган «бекор қилиш» синдроми ривожланиши мумкин (анорексия, кўнгил айниши, қусиш, летаргия, бош оғриғи, иситмали титроқ, артralгия, эпителий десквамацияси, миалгия, тана вазнининг пасайиши, АБнинг пасайиши).

Баъзи ҳолларда «бекор қилиш» синдромининг симптомлари пациент даволанган касалликнинг зўрайиш ёки қайталаниш симтомлари ва белгилари билан ўхшаш бўлиши мумкин.

Оғир ножўя ҳолатлар ривожланганда, даволаш тўхтатилиши керак.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратнинг фаол моддаси ёки ёрдамчи моддаларига юқори сезувчанликда, ўткир вирусли, бактериал инфекцияларда, тизимли микозларда (агар мувофиқ адекват даволаш ўтказилаётган бўлмаса), Иценко-Күшинг синдроми, тирик ва кучсизлантирилган вакциналарни препаратнинг иммуносупрессив дозалари билан бир вақтда қўллаш; эмизиш даври; гемостазнинг оғир бузилишлари бўлган пациентларга мушак ичига юбориш мумкин эмас.

Махаллий қўллаш учун (қўшимча тарзда) – барқарор бўлмаган бўғимларга юбориш, септик артритда қўллаш мумкин эмас.

Препаратни «ҳаётий» кўрсатмалар бўйича қисқа муддатли қўллашда ягона қарши кўрсатма бўлиб дексаметазон ёки исталган ёрдамчи моддага нисбатан ўта юқори сезувчанлик ҳисобланади.

### **Эҳтиёткорлик билан:**

Тизимли инфекциялар (микробларга қарши адекват даволашда), латент туберкулёз, кўзларнинг герпетик инфекцияси (кўз шоҳ пардаси перфорацияси хавфи), қандли диабет, сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ), яқин орада ўтказилган миокард инфаркти, сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ), дивертикулит, артериал гипертензия, кератит, тутқаноқ, яраги колит (перфорация ёки инфекцион асоратлар хавфи бўлганда), яқин орада тасдиқланган ичак анастомози, пептик яра (жумладан, анамнезда), остеопороз, миастения gravis, кекса ёш (остеопороз ва артериал гипертензиянинг ривожланиш хавфи юқори), гипотиреоз, жигар етишмовчилиги, «стериодли» миопатия, оғир аффектив бузилишлар (жумладан, анамнезда, айниқса «стериодли» психоз), ҳомиладорлик, эмизиш даври, болаларда эҳтиёткорлик билан қўлланилади.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Дексаметазон ва ностероид яллигланишга қарши препаратларни бир вақтда қўллаш меъда-ичак йўлларида яралар пайдо бўлиш хавфини оширади.

Индометацин дексаметазонни альбуминлар билан боғланишдан сиқиб чиқарган ҳолда, унинг ножўя самараларининг ривожланиш хавфини оширади.

Дексаметазоннинг таъсири СҮРЗА4 изоферментининг индукторлари (масалан, фенитоин, фенобарбитал, карбамазепин, примидон, рифабутин, рифампицин) ёки

глюокортикоидларнинг метаболик клиренсини оширувчи препаратлар билан бир вақтда кўлланилганда камаяди, бундай ҳолатларда дексаметазон дозасини ошириш керак. Дексаметазон ва юқорида келтирилган препаратлар ўзаро таъсирашув дексаметазонли супрессион синамалар натижаларини ўзгартириши мумкин. агар дексаметазонли синамалар юқорида келтирилган препаратлардан бири билан даволаниш вақтида ўтказилиши керак бўлса, у ҳолда ушбу ўзаро таъсирашув синамалар натижаларини интерпретация қилишда инобатга олиниши керак.

СҮРЗА изоферменти ингибиторлари, жумладан кобицистат сақловчи препаратларни бир вақтда кўллаш тизимли ножӯя самараларнинг ривожланиш хавфини оширади, деб таҳмин қилинади. Ушбу мажмуани, фақатгина кутилаётган фойда кортикоидларнинг тизимли ножӯя самаралари хавфининг ортишидан устун бўлган ҳолатлардан ташқари ҳолларда, кўллашнинг олдини олиш лозим ҳамда бу ҳолатда пациентлар кортикоидларнинг тизимли ножӯя самаралари ривожланиши бўйича шифокор кузатуви остида бўлишлари керак.

Дексаметазон ва СҮРЗА4 изоферменти ингибиторлари (масалан, кетоконазол, макролид антибиотиклар) ни бир вақтда кўллаш қон плазмасида дексаметазон концентрациясининг ошишига олиб келиши мумкин.

Дексаметазон СҮРЗА4 изоферментининг ўрта кучли индуктори ҳисобланади. СҮРЗА4 изоферменти ёрдамида метаболизмга учрайдиган препаратлар (индинавир, эритромицин) ни бир вақтда кўллаш уларнинг клиренсини ошириши мумкин, бу қон плазмасида улар концентрациясининг пасайишига билан кечиши мумкин.

СҮРЗА4 изоферменти фаоллигининг сусайтирилиши ҳисобига кетокеназол қон плазмасида дексаметазоннинг концентрацияларини ошириши мумкин. Бошқа томондан, кетоконазол буйрак усти безларида глюокортикоидлар синтезини сусайтириши мумкин, шунинг учун дексаметазон дозасини пасайтириш вақтида буйрак усти безлари етишмовчилиги ривожланиши мумкин.

Дексаметазон гипогликемик дори воситалари, гипотензив воситалар, празиквантел ва тиазид диуретикларнинг терапевтик таъсирини пасайтиради (ушбу препаратлар дозасини ошириш лозим), гепарин, альбендазол ва калий тежовчи диуретиклар фаоллигини оширади (зарур бўлганда, ушбу препаратлар дозасини камайтириш керак).

Дексаметазон кумаринли антикоагулянтлар таъсирини ўзгартириши мумкин, шунинг учун даволаш вақтида протромбин вақтини янада тез-тез назорат қилиб туриш керак.

Ичакнинг ичидаги витамин D нинг кальций ионларини сўрилишига таъсирини сусайтиради. Эргокальциферол ва паратормон дексаметазон томонидан чақирилган остеопатиянинг ривожланишига тўсқинлик қиласи.

Глюокортикоидларнинг юқори дозаларини  $\beta$ -адреноблокаторлар, тиазидли диуретиклар, фуросемид, этакрин кислотаси, карбоангидраза ингибиторлари, амфотерицин В билан бир вақтда кўллаш гипокалиемиянинг ривожланиш хавфини оширади. Гипокалиемияси бўлган пациентларда юрак гликозидларнинг аритмоген ва токсик таъсиrlари кучаяди. Глюокортикоидлар томонидан чақирилган гипокалиемия депоряризацияламайдиган миорелаксантларни кўллаш оқибатидаги мушаклар блокадасининг яққоллиги ва давомийлигини ошириши мумкин.

Антацидлар меъдада дексаметазоннинг сўрилишини пасайтиради.

Дексаметазоннинг овқат ёки алкоголь билан фармакокинетик ўзаро таъсири ўрганилмаган, шундай бўлсада, овқат ва юқори миқдорда калий сақловчи препаратларни бир вақтда қабул қилиш тавсия қилинмайди. Чекиш дексаметазон фармакокинетикасига таъсири қилмайди.

Циклоспорин билан бир вақтда кўллаш болаларда тиришишлар ривожланиш хавфини оширади.

Иммунодепрессантлар инфекциялар ва лимфома ёки Эпштейн-Барр вируси чақирган лимфопролифератив бузилишларнинг ривожланиш хавфини оширади.

Глюокортикоидлар салицилатларнинг буйрак клиренсини узайтиради, шунинг учун

баъзида қон плазмасида салицилатларнинг терапевтик концентрацияларига эришиш кийин. Глюокортикоидлар дозасини эҳтиёткорлик билан ва босқичма босқич пасайтириш лозим, чунки қон плазмасида салицилатларнинг концентрацияси ошиши ҳамда ушбу препаратлар билан захарланиш мумкин.

Перорал контрацептивлар, антитиреоид дори воситалари бир вақтда қўлланганда, глюокортикоидларнинг ярим чиқарилиш даври узайиши мумкин, мос равища уларнинг биологик самаралари кучайиши ва ножӯя самаралар учраш тезлиги ошиши ҳам мумкин.

Протирелин билан бир вақтда қўлланганда, тиреотроп гормоннинг ажралиши пасайиши мумкин.

Ритодрин ва дексаметазонни туғиш даврида бир вақтда қўллаш мумкин эмас, чунки бу ўпка шиши ривожланиши туфайли онанинг ўлимига олиб келиши мумкин.

Дексаметазон ва талидомидни бир вақтда қўллаш токсик эпидермал некролизни чақириши мумкин.

М-холиноблокаторлар (жумладан, антигистамин дори воситалари, трициклик антидепрессантлар), нитратлар билан бир вақтда буюриш кўзнинг ички босими ошишининг ривожланишига олиб келади.

Фторхинолонлар билан бир вақтда қўлланганда, кекса ёшдаги пациентлар ва пайларнинг касалликлари бўлган пациентларда тендорпатия пайдо бўлиш хавфи ортади.

*Потенциал, терапевтик фойдали ўзаро таъсирлар:* дексаметазон ва метаклопрамид, дифенгидрамин, прохлорперазин ёки ондансетрон ёки гранисетрон каби 5-НТ3-рецепторлари антагонистлари (серотонинли ёки 3-тур 5-гидрокситриптамили рецепторлар) билан бир вақтда қўллаш кимёвий даволаш (цисплатин, циклофосфамид, метотрексат, фторурацил билан) орқали чақирилган кўнгил айниши ва қусишлилар олдини олиш мақсадида самарали ҳисобланади.

### **Махсус кўрсатмалар**

ГКС ни парентерал юбориш оқибатида юқори сезувчанлик реакциялари ривожланиши мумкин (кам ҳолларда). Дексаметазонни қўллашда оғир анафилактик реакциялар, брадикардия ривожланиш хавфи мавжуд. Шунинг учун даволашни бошлашдан аввал эҳтиёткорликка риоя килиш керак (айниқса, анамнезида бошқа дори препаратларига юқори сезувчанлиги бўлган пациентларда).

Узоқ муддат давомида даволаниши зарур бўлган пациентларда, даволаш тўхтатилгандан сўнг «бекор қилиш» синдроми ривожланиши мумкин (шунингдек, буйрак усти безлари етишмовчилигининг аниқ белгиларисиз): иситма, бурун оқиши, конъюктивалар гиперемияси, бош оғриғи, бош айланиши, уйқучанлик ва таъсирчанлик, мушак ва бўғимлар оғриғи, қусищ, тана вазнининг пасайиши, кучсизлик, тиришишлар. Шунинг учун дексаметазонни бекор қилиш дозани босқичма босқич камайтирган ҳолда амалга оширилиши керак. Препаратни кескин тарзда бекор қилиш пациент учун ўлим билан тугаши мумкин.

Агар препаратни қўллаш даврида ёки уни бекор қилиш даврида пациент яққол стрессга дучор бўлса (жароҳат, жарроҳлик аралашуви ёки оғир касаллик), дексаметазон дозасини ошириш ёки гидрокортизон ёхуд кортизон юбориш керак. Препарат дозасини стресс ҳолатларда ундан олдин ҳам, стрессдан кейин ҳам вақтинчалик ошириш лозим.

Дексаметазон билан узоқ муддатли даволаш олган ва у бекор қилингандан кейин стрессга учраган пациентларда индуция қилинган буйрак усти безлари етишмовчилиги препарат бекор қилингандан кейин бир неча ой давомида сақланиб қолиши мумкинлиги туфайли дексаметазонни қўллашни қайта бошлаш керак.

Дексаметазон билан даволаниш меъда ёки ичак деворларининг перфорацияси бўлган пациентларда «қорин парданинг таъсирланиши» симптомларини яшириши мумкин.

Препарат билан даволаш оқибатида стронгилоидознинг фаоллашиш хавфи ошиши мумкин.

Дексаметазон билан даволаш замбуруғли инфекциялар, латент амёбиаз ёки үпка туберкулёзи кечишини кескинлаштириши мумкин.

Үпканинг ўткир туберкулёзи бўлган пациентларга дексаметазон фақат фальминант ёки оғир диссеминацияланган жараёнда буюрилиши мумкин (туберкулёзга қарши препаратлар билан бирга). Дексаметазон билан даволанаётган үпканинг нофаол туберкулёзи бўлган пациентлар ёки ижобий туберкулёз синамасига эга пациентларда параллел равишда силга қарши дори воситалари билан даволанишлари керак.

Остеопорози, артериал гипертензияси, юрак етишмовчилиги, туберкулёзи, глаукомаси, жигар ёки буйрак етишмовчилиги, қандли диабети, фаол пептик яраси, янги ичак анастомазалари, ярали колити ва тутқаноги бўлган пациентлар учун маҳсус эътибор ва қатъий тиббий кузатув талаб этилади.

Дексаметазон билан даволаш фонида БЦД вакцинацияси, полиомиелит, ўткир ва сурункали бактериал, паразитар инфекциялар ҳамда меъда ва ичакнинг ярали касаллиги, остеопорози бўлган пациентлардаги маҳсус муолажадан сўнг латент туберкулёз, лимфаденитни даволашда бактерияларга қарши маҳсус муолажани қўллаш зарур.

Ўткир миокард инфарктидан кейинги ilk ҳафталарда, шунингдек тромбоэмболияси, миастенияси (миастениянинг кечиши ёмонлашиши мумкин), гипотиреози, психози ёки психоневрозлари бўлган пациентларда, шунингдек кекса ёшдаги пациентларда дексаметазон эҳтиёткорлик билан кўлланиши керак.

Анамнезида психозга кўрсатмалар бўлганда, дексаметазон юқори дозаларда шифокорнинг қатъий назорати остида буюрилади.

Дексаметазон билан даволаш вақтида (айниқса, узоқ муддатли) окулистнинг кузатуви, АБ ва сув-электролит мувозанатининг ҳолати ҳамда периферик қон кўрсаткичлари ва қонда глюкозанинг концентрациясини назорат қилиш зарур

Дексаметазон билан даволаш вақтида қандли диабетнинг декомпенсацияси ёки латент ҳолатдан клиник манифест қандли диабетга ўтиш эҳтимоли мавжуд. Қандли диабети бўлган пациентларда глюкозанинг қондаги концентрациясини назорат қилиш ва зарур бўлганда гипогликемик препаратлар дозаларига тузатиш киритиш лозим.

Дексаметазонни қўллаш оқибатидаги ножӯя ҳолатларни камайтириш мақсадида организмга калийнинг тушишини ошириш керак (калий препаратлари, кўп микдорда калий сақлаган маҳсулотлар ва бошқалар).

Узоқ муддат қўлланилганда қон плазмасидаги калий микдорини назорат қилиш керак.

Дексаметазон билан даволаш вақтида тирик вакциналар билан вакцинация ўтказиш мумкин эмас.

Ўлик вируслар ёки бактериал вакциялар билан иммунизация ўтказиш ўзига хос антитаначалар титрининг кутилган ўсишини бермайди ва шунинг учун керакли ҳимоявий таъсир кўрсатмайди. Дексаметазон одатда вакцинациядан 8 ҳафта олдин ва вакцинациядан кейинги 2 ҳафта ичida қўлланилмайди.

Дексаметазон юқумли касалликларга таъсирчанликни ошириши ёки симптомларини яшириши мумкин. Сувчечак, қоракуя ва бошқа инфекциялар янада оғирроқ кечиши ва иммунизацияланмаган шахсларда ҳатто ўлимга олиб келиши ҳам мумкин. Иммуносупрессия кўпинча ГКСларни узоқ муддат қўллагандан ривожланади, шу билан бирга қисқа муддатли даволашда ҳам юзага келиши мумкин. Дексаметазоннинг юқори дозаларини узоқ муддат давомида қабул қилаётган пациентлар юқумли касалликларга чалинган беморлар билан алоқадан сақланишлари керак, беихтиёр равища алоқа содир бўлганда, иммуноглобулин билан профилактик даволашни ўтказиш тавсия этилади.

Яқин орада жарроҳлик аралашуви ёки суяқ синишини бошдан ўтказган пациентларни даволашда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак, чунки дексаметазон жароҳат ва синишларнинг битиб кетишини секинлаштириши мумкин.

ГКС нинг таъсири жигар циррози ёки гипотиреози бўлган пациентларда кучаяди.

ГКС терининг аллергик таҳлиллари натижаларини ўзгартириши мумкин.

ГКС ни қўллаш оқибатида сперматозоидлар ҳаракатчанлиги ўзгариши мумкин.

Кўришнинг бузилиши кортикостероидлар тизимли ва маҳаллий қўлланилганда кузатилиши мумкин. агар пациентларда кўришнинг ноаниклиги каби симптомлар ёки кўришнинг бошқа бузилишлари ривожланса, у ҳолда пациентни офтальмолог ҳузурига эҳтимолий сабаблар, жумладан катаракта, глаукома ва кортикостероидларни тизимли ёки маҳаллий қўллашдан кейин хабар берилган кам учрайдиган касалликлар (масалан, марказий сероз хориоретинопатия (МСХР)ни баҳолаш учун юбориш керак.

Дексаметазон болалар ва ўсмирларда фақат қатъий кўрсатмалар бўйича қўлланилади. Даволаш давомида бола ва ўсмирнинг ўсиши ҳамда ривожланишини қатъий назорат килиш зарур.

#### *Муддатидан олдин тугилган болалар*

Мавжуд маълумотлар ўпканинг сурункали касалликлари бўлган муддатидан олдин туғилган болаларда дексаметазоннинг бошлангич дозаларини 0.25 мг/кг дан суткада 2 марта қўллаш билан даволаш бошлангандан (< 96 соат) сўнг жуда кам ҳолларда неврологик ножўя ҳолатлар юзага келиши ҳақида далолат беради.

#### *Препаратнинг баъзи компонентлари ҳақида маҳсус маълумот*

Препарат бир дозага ҳисоблаганда 1 ммоль (23 мг) натрий сақлайди.

#### *Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши*

Ҳомиладорлик даврида (айниқса биринчи уч ойликда) ёки ҳомиладорликни режалаштираётган аёлларда Дексаметазон препарати, агар уни қўллашдан кутилаётган даволовчи самара она организми ёки ҳомилага салбий таъсири хавфидан устун бўлгандагина буюрилади. ГКСни ҳомиладорлик даврида фақат мутлақ кўрсатмалар бўйича буюриш керак.

Ҳомиладорларнинг преэклампсия ва эклампсиясида мавжуд касалликнинг самарали назоратини таъминловчи энг кичик дозалар қўлланади.

ГКСни ҳомиладор ҳайвонларга юборилиши аномалиялар ривожланишини чақириши мумкин, жумладан танглайнинг ёриги, бачадон ички ўсишнинг кечикиши, бош миянинг ўсиши ва ривожланишига таъсири.

ГКСни қўлланиши одамда танглай/юқори лабнинг ёриги каби туғма аномалиялар учраш тезлигини ошириши ҳақида далиллар йўқ.

ГКС йўлдош орқали ўтади ва ҳомила организмида юқори концентрацияларга эришиши мумкин. Дексаметазон йўлдошда масалан, преднизолонга нисбатан камроқ жадалликда метаболизмга учрайди, шунинг учун ҳомилада дексаметазоннинг юқори концентрациялари аниқланиши мумкин. ГКСнинг терапевтик дозалари плацентар етишмовчилик, ҳомиланинг ўсиш ва ривожланишининг кечикиши ҳамда бачадон ички ўлими хавфини ошириши, болада лейкоцитлар (нейтрофиллар) сонининг ошиши, шунингдек буйрак усти безлари етишмовчилигининг ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

ГКСнинг тератоген таъсири бўйича исботлар йўқ.

Кичик микдордаги ГКС кўкрак сутига киради. Дексаметазон препарати билан даволаш ўтказишга зарурият бўлган ҳолатда, эмизишини тўхтатиш лозим, чунки бу боланинг ўсишини кечиктириши ва унинг эндоген кортикостероидлари ажralишининг камайишига олиб келиши мумкин.

#### *Автомобилни ва мураккаб механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири*

Дексаметазон транспорт воситаларини бошқариш ва диққатни юқори даражада жамлаш ҳамда психомотор реакциялар талаб этувчи бошқа техник қурилмалар билан ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатмайди.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

*Симптомлари:* АБнинг ошиши, шишлар, пептик яра, гипергликемия, онг бузилиши.

*Даволаш:* симптоматик даволаш ўтказилади.

Ўзига хос антидоти йўқ. Гемодиализ самарасиз.

#### **Чиқарилиш шакли**

**Инъекция учун эритма, 4 мг/мл.**

1 мл дан ампулада. 5 ампуладан ПВХ/алюминий фольгали блистерда. 25 ампуладан (5 та блистердан) тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

5 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

**Ишлаб чиқарувчи**

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения

**Ўзбекистон Республикасида дори воситасининг сифати бўйича эътиroz (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили  
«КРКА, д.д., Ново место» нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси  
100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўчаси, 14  
Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефон: +99871 150 1044**